



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 10 » mart

№ 110

Toshkent sh.

2022 йилда туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони ҳамда “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 22 январдаги ПҚ–98-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Туризм объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, маданий мерос объектларини реставрация, консервация қилиш ва ободонлаштириш ҳамда туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва маданий-кўнгилочар инфратузилмаларни ривожлантириш бўйича лойиҳалар рўйхати (кейинги ўринларда – лойиҳалар рўйхат) **иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Маданий мерос агентлиги раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига лойиҳалар рўйхатининг асосий параметрларини белгиланган муддатларда тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, ажратилган маблағларни мақсадли йўналтириш ҳамда самарали фойдаланиш юзасидан **шахсий жавобгарлик юклансин.**

2. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Маданий мерос агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари лойиҳалар рўйхатига киритилган объектлар бўйича:

а) молиялаштириш ҳажмларини қурилиш-монтаж ишларининг календарь жадваллари билан узвий боғлиқликда аниқлаштирган ҳолда, 2022 йил учун йилдан-йилга ўтувчи қурилиш объектларининг манзилли рўйхатини **икки ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига келишиш учун киритсин;

б) **икки ой муддатда** 2022 йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар) бўйича тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари асосида, белгиланган тартибда танлов (тендер) ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, харид қилиш тартиб-таомилларини яқунлаш ва танлов (тендер) ғолиблари билан пудрат шартномаларини тузиш чораларини кўрсин;

в) харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлангандан сўнг **ўн кун ичида** 2022 йил учун янгидан бошланадиган қурилиш объектларининг якуний манзилли рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига келишиш учун киритсин;

г) **2022 йил 15 мартга қадар** лойиҳалар рўйхатининг асосий параметрларини бажариш, шу жумладан лойиҳалар (объектлар) бўйича капитал кўйилмаларни ўзлаштиришнинг прогноз кўрсаткичларини чорақлар кесимида тасдиқлаб, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этсин.

3. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Президентнинг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 февралдаги ПФ–6165-сон Фармонининг 9-бандига мувофиқ жорий йилда қурилишини давом эттириш учун маблағ (лимит) назарда тутилмаган тугалланмаган ва фойдаланилмаётган объектларни белгиланган тартибда консервация қилиш, шунингдек, уларни консервация даврида лозим даражада сақлаш ва муҳофаза қилиш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар (объектлар) доимий мониторинг ва таҳлил қилиб борилишини, маблағлар ўз вақтида ажратилиши ҳамда самарали сарфланиши устидан назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – туризм ва маданий мерос вазири А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 10 мартдаги 110 сон қарорига
илова

**Туризм объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, маданий мерос объектларини реставрация, консервация қилиш ва ободонлаштириш ҳамда туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва маданий-қўнғилочар инфратузилмаларни ривожлантириш бўйича
ЛОЙИХАЛАР РЎЙХАТИ**

Т/р	Объект номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Амалга ошириш муддати	Буюртмачи	Лимит (млн сўм)
I. Туризм хизматлари соҳасини ривожлантириш – 29,4 млрд сўм						
1.	Йирик туристик салоҳиятга эга бўлган тоғли ва тоғолди ҳудудларни географик, иқлим ва бошқа тадқиқотлари, концепцияси, техник иқтисодий асослари, маркетинг таҳлили, тоғли ва ва тоғолди ҳудудларнинг транспорт модели, архитектура қиёфаси, лойиҳани истиқболини белгилаш ҳамда тиббий, эко, агро, спорт ва бошқа туризм турларини ривожлантиришни ўз ичига олган мастер-режаларини ишлаб чиқиш ва мослаштириш.***	рўйхат**	1	2022 йил ноябрь	“Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” ДУК	8 000,0
2.	“Шаҳрисабз тарихий маркази” бутунжаҳон маданий мерос объектини дастлабки регенерация (<i>тарихий шаклини қайта тиклаш бўйича лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва лойиҳани амалга ошириш учун дастлабки ишларни бошлаш</i>) ишларини амалга ошириш.	Тарихий маданий ҳудуд	1	2022 йил сентябрь	Маданий мерос агентлиги	10 000,0
3.	“Ичан қалъа” ҳамда “Бухоро тарихий маркази” бутунжаҳон маданий мероси жойлашган Хива ва Бухоро шаҳарларининг бошқарув режасини ишлаб чиқиш.	объект	2	2022 йил май	Маданий мерос агентлиги	600,0

Т/р	Объект номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Амалга ошириш муддати	Буюртмачи	Лимит (млн сўм)
4.	<p>A373, M39, A380, M37 Халқаро автомобиль йўллари бўйида миллий карвонсаройлар услубидаги 4 турдаги намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш (<i>Водий вилоятлари учун алоҳида, Самарқанд-Бухоро йўналиши бўйича, Хоразм-Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё-Сурхондарё йўналиши бўйича</i>).</p> <p>Мажмуада АЁҚШ, АГҚШ, Дизел, электр мобиллар учун заряд олиш станциялари, мотел, савдо расталари, она-бола хонаси, санитария-гигиеник шахобчалар, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш пункти, туристик ахборот маркази лойиҳаларини ўз ичига олади.</p>	лойиҳа	4	2022 йил май	“Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” ДУК	800,0
5.	<p>2022-йилда “Қўқон - Туркий дунё туризм пойтахти” мақомини олгани муносабати билан Қўқон шахрининг туризм инфратузилмасини замонавий шаклга келтириш.</p> <p>Бунда, Туристтик объектларни боғловчи йўللарни сайёҳлар гувжум жойларда замонавий LED экранлар, санитария-гигиения шахобчалар, декоратив соябонли ўриндиклар, реклама шитлари ва туристик ахборот марказлари, Wi-Fi зоналар, сервис нуқталарни ташкил этиш, тарғибот материалларини чоп этиш, йўл кўрсаткич белгиларини ўрнатиш.</p>	шаҳар	1	2022 йил август	Фарғона вилояти ҳокимлиги	10 000,0
II. Маданий мерос соҳаси объектларини ривожлантириш – 117,3 млрд сўм						
6.	<p>Қўқон шаҳрида жойлашган маданий мерос объекти (Истиклол кўчаси, 16-уй) реставрация қилиш ва уни Арт резиденция сифатидаги фаолиятини йўлга қўйиш.</p> <p>Мазкур маданий мерос ҳисобланган бинони Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги тасарруфига ўтказиш.</p>	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	5 500,0

Т/р	Объект номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Амалга ошириш муддати	Буюртмачи	Лимит (млн сўм)
7.	Самарқанд шаҳрида жойлашган “Шохи-Зинда” мажмуасини ободонлаштириш, турникет ўрнатиш, меъморий ёдгорликлардаги безакларни қотириш, намликни қочириш, хатабаларни тиклаш.***	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	700,0
8.	Самарқанд шаҳрида жойлашган “Биби-Хоним” мажмуасининг том, равоқ панжараси ва пойдевор қисмини мустаҳкамлаш, сув кетиш йўлларини тиклаш, гумбазларни ва деворларини таъмирлаш-қайта тиклаш, ободонлаштириш.***	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	3 000,0
9.	Самарқанд шаҳрида жойлашган “Сарой Мулк Хоним” мақбарасида реставрация ишларини амалга ошириш, ободонлаштириш, ёриқларни таъмирлаш, сув кетиш йўлларини таъмирлаш.***	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	300,0
10.	Самарқанд шаҳрида жойлашган “Регистон” мажмуасидаги кўчган кошинларнинг аналоги бўйича асл ҳолатидек таъмирлаш, том қисмини мустаҳкамлаш.***	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	4 000,0
11.	Самарқанд шаҳрида жойлашган “Амир Темур” мажмуасида гумбаз ва девор олд қисми, галлереянинг пол қисмлари ва пешток мукарнасларини қайта таъмирлаш.***	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	3 000,0
12.	Самарқанд шаҳрида жойлашган “Ашратхона” мақбара мажмуаси ташқи ва ички безакларини тарихий фото-ҳужжатлар асосида таъмирлаш-тиклаш, ободонлаштириш.***	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	1 000,0
13.	Самарқанд шаҳрида жойлашган “Маҳдуми Хоразмий” масжиди мажмуасида археологик илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, намланган жойларнинг сувларини қочириш, ободонлаштириш ва тарихий ҳовузни тиклаш.***	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	400,0
14.	Самарқанд шаҳрида жойлашган “Рухобод” мажмуасининг том ва пол қисмларини, сув кетиш йўлларини таъмирлаш,	объект	1	2022 йил сентябрь	Маданий мерос агентлиги	200,0

Т/р	Объект номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Амалга ошириш муддати	Буюртмачи	Лимит (млн сўм)
	намланган жойларнинг сувларини қочириш, девор қисмлари ва минорани таъмирлаш.***					
15.	Самарқанд шаҳрида жойлашган “ Хўжа Дониёр ” мақбарасининг пойдевор қисмини мустаҳкамлаш, ёриқларни таъмирлаш ва ободонлаштириш.***	объект	1	2022 йил сентябрь	Маданий мерос агентлиги	300,0
16.	Самарқанд шаҳрида жойлашган “ Собиқ Авлиё Николай Черкови ” бино мажмуасининг деворларидаги намликни қочириш, ички ва ташқи қиёфасини тарихий фото-хужжатлар асосида қайта тиклаш ва ободонлаштириш.***	объект	1	2022 йил сентябрь	Маданий мерос агентлиги	800,0
17.	Самарқанд шаҳрида жойлашган “ Оқ Сарой ” мақбарасини ободонлаштириш, том қисмларни мустаҳкамлаш ва сув йўллари таъмирлаш.***	объект	1	2022 йил сентябрь	Маданий мерос агентлиги	500,0
18.	Самарқанд шаҳрида жойлашган “ Дари Занжир ” мажмуасининг том ва пойдевор қисмини мустаҳкамлаш, қулаб тушган қисмини қайта тиклаш, ободонлаштириш.***	объект	1	2022 йил сентябрь	Маданий мерос агентлиги	600,0
19.	Самарқанд шаҳрида жойлашган “ Қўш-Хавуз ” масжидининг айвонидаги ёғоч конструкцияларни реставрация қилиш, том қисмини таъмирлаш, ободонлаштириш.***	объект	1	2022 йил ноябрь	Маданий мерос агентлиги	200,0
20.	Бухоро вилояти Қоракўл туманида жойлашган “ Қадимги Пойкент ” археология ёдгорлигини консервация қилиш, атрофини ўраб олиш, ободонлаштириш, туризм ахборот марказини ташкил этиш.	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	3 000,0
21.	Бухоро шаҳрида жойлашган “ Абдуллазизхон ” мадрасасининг том ва пойдевор қисмини мустаҳкамлаш, қулаб тушган ва унга туташ девор қисмларини таъмирлаш ва қайта тиклаш, ободонлаштириш.	объект	1	2022 йил ноябрь	Маданий мерос агентлиги	3 500,0

Т/р	Объект номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Амалга ошириш муддати	Буюртмачи	Лимит (млн сўм)
22.	Бухоро шаҳрида жойлашган “Абдуллахон” мадрасасининг том ва пойдевор қисмини мустаҳкамлаш, қулаб тушган девор қисмларини қайта тиклаш, намликни қочириш, бино атрофидаги тупроқ сатҳини тушириш ва оби ғишт билан қоплаш, ободонлаштириш.	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	3 000,0
23.	Бухоро шаҳрида “Тош Сарой” мадрасасининг том ва пойдевор қисмини мустаҳкамлаш, қулаб тушган қисмлар ва ички хужраларни таъмирлаш-қайта тиклаш, ободонлаштириш.***	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	3 000,0
24.	Бухоро шаҳридаги “Масжиди Калон” (Пои Калон мажмуаси) қулаб тушган қисмлар ва таъмирталаб деворларини таъмирлаш-қайта тиклаш, атрофини ободонлаштириш.***	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	2 500,0
25.	Бухоро “Арк” кўрғони мажмуасидаги Қушбеги, Саисхона, Саломхона, Тахтхона маданий мерос объектларида таъмирлаш тиклаш ишларини олиб бориш ва “Арк” кўрғони мажмуаси вайроналари қисмида “Археологик парк”ни ташкил қилиш ҳамда объектда тунги ёритиш ускуналари ўрнатиш.	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	6 000,0
26.	Бухоро шаҳридаги “Улуғбек тамокифуруш қарвон саройи” (қолдиқлари) том ва пойдевор қисмини мустаҳкамлаш, қулаб тушган ва унга туташ девор қисмларини таъмирлаш ва қайта тиклаш, атрофини ободонлаштириш.	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	1 500,0
27.	Бухоро шаҳридаги Аҳмаджон қарвон саройи том ва пойдевор қисмини мустаҳкамлаш, қулаб тушган ва унга туташ девор қисмларини таъмирлаш ва қайта тиклаш, ободонлаштириш.	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	1 000,0
28.	Бухоро вилояти Ғиждувон тумани “Қадимий Ғиждувон кўрғони” эски қалъа деворлари ва дарвозаларини қайта	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	1 000,0

Т/р	Объект номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Амалга ошириш муддати	Буюртмачи	Лимит (млн сўм)
	тиклаш ва унга туташ девор қисмларини таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш.***					
29.	Бухоро шаҳри тарихий маркази ҳудудидаги туризм объектлари, маҳалла ва кўчалари ҳамда хонадонларга сополдан тарихий услубда ишланган 1 017 та манзил кўрсаткич белгиларини тайёрлаш ва ўрнатиш.	дона	1 017	2022 йил сентябрь	Маданий мерос агентлиги	500,0
30.	Бухоро шаҳридаги “Тўракулбой уйи”нинг ички ҳовли ва ташқи ҳовли қисмларини асл ҳолатида қайта тиклаш ва унга туташ девор қисмларини таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш.	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	1 000,0
31.	Бухоро шаҳрида жойлашган “Модарихон” мадрасасининг том ва пойдевор қисмини мустаҳкамлаш, қулаб тушган девор қисмларини қайта тиклаш, намликни қочириш, бино атрофидаги тупроқ сатҳини тушириш ва оби ғишт билан қоплаш, атрофини ободонлаштириш.***	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	2 000,0
32.	Бухоро шаҳар “Гавкушон” мажмуасидаги “Ҳожа Калон” масжидининг том ва пойдевор қисмини мустаҳкамлаш, қулаб тушган ва унга туташ девор қисмларини таъмирлаш ва қайта тиклаш, атрофини ободонлаштириш.***	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	2 500,0
33.	Навоий вилояти Учқудуқ туманидаги “Тош ўрмон” табиий археология ёдгорлигини теварак атрофини 3D панжара билан ўраш, қуёш батарея панеллари, кузатув камералари, тунги ёритгич чироқлари ўрнатиш.	объект	1	2022 ноябрь	Маданий мерос агентлиги	1 500,0
34.	Навоий вилояти Навбаҳаор туманида жойлашган “Сармишсой” давлат музей кўриқхонасини ободонлаштириш, кириш дарвозаси, тош стелла ва ахборот маркази ташкил этиш.	объект	1	2022 ноябрь	Навоий вилояти ҳокимлиги	2 000,0

Т/р	Объект номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Амалга ошириш муддати	Буюртмачи	Лимит (млн сўм)
35.	Сурхондарё вилояти Бойсун туманида жойлашган “Узундара” археология ёдгорлигини консервация қилиш, атрофини ўраб олиш, ободонлаштириш, туризм ахборот маркази ва кичик музей ташкил этиш.	объект	1	2022 йил октябрь	Маданий мерос агентлиги	2 000,0
36.	Хоразм вилояти “Қибла тоза боғ” маданий мерос объектини қайта таъмирлаш, қисман консервация қилиш, музейлаштириш ҳамда туристик маршрутга киритиш учун керакли инфратузилмасини яратиш.	объект	1	2022 йил сентябрь	Маданий мерос агентлиги	5 000,0
37.	Хоразм вилояти “Иброҳимхўжа мадрасаси” археологик ёдгорлигини қайта таъмирлаш ва реставрация қилиш, теварак атрофини ободонлаштириш.	объект	1	2022 йил сентябрь	Маданий мерос агентлиги	2 000,0
38.	Хоразм вилояти “Саид моҳи рўи жаҳон” мақбарасини қайта таъмирлаш ва реставрация қилиш, теварак атрофини ободонлаштириш.	объект	1	2022 йил сентябрь	Маданий мерос агентлиги	1 500,0
39.	Тошкент шаҳри Сайилгоҳ кўчасида жойлашган “Князь Романов саройи” ва флигели йўқотилган меъморий қисмларни тиклаш-таъмирлаш, ертўла ва сарой хоналари, эшик ва деразаларни қайта тиклаш-таъмирлаш, флигель қисмини тарихий ҳолатига келтириш, тарихий хужжатлар асосида ободонлаштириш.	объект	1	2022 йил ноябрь	Маданий мерос агентлиги	10 000,0
40.	Тошкент шаҳри Миробод тумани Амир Темур тор кўчаси 6-уй манзилда жойлашган собиқ Тоштрамнинг дизель станцияси биноси негизида “Замонавий санъат маркази” ни ташкил этиш.	объект	1	2022 йил ноябрь	Маданий мерос агентлиги	7 000,0
41.	Тошкент шаҳри “Абулқосим Эшон” мадрасасини тарихий ва асл ҳолатга келтириш ва таъмирлаш, конструктив мустаҳкамлаш ва ободонлаштириш.	объект	1	2022 йил ноябрь	Маданий мерос агентлиги	4 000,0

Т/р	Объект номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Амалга ошириш муддати	Буюртмачи	Лимит (млн сўм)
42.	Тошкент шаҳри Олмазор тумани Лангар кўчаси 111-уйда жойлашган “Лангар ота” масжиди теварак атрофини ободонлаштириш, йўлакларни таъмирлаш ва дарвоза ўрнатиш.	объект	1	2022 йил ноябрь	Маданий мерос агентлиги	400,0
43.	Тошкент шаҳри Шайхонтохур туманида “Азлархон эшон” мақбарасининг теварак атрофини ободонлаштириш, йўлакларни таъмирлаш.	объект	1	2022 йил ноябрь	Маданий мерос агентлиги	400,0
44.	Маданий бойликлар, рангасвир асарларини юқори аниқликда фотофиксация, материал таркиби, яратилган вақти бўйича спектр ва бошқа усулларда таҳлил қилиш имкониятига эга рентген-спектр таҳлили ускуналарини сотиб олиш.***	рўйхат**	1	2022 йил июнь	Маданий мерос агентлиги	2 000,0
45.	Маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва туризм худудлари мастер-режаларини лойиҳалаштириш институтининг моддий - техник базасини мустаҳкамлаш ва замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.***	рўйхат**	1	2022 йил июнь	Маданий мерос агентлиги	4 000,0
46.	Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси ва унинг минтақавий реставрация марказлари моддий-техника базасини шакллантириш, реставрация ишларини олиб бориш ҳамда археология илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда мавжуд археология объектларини ўрганиш ва консервацияси учун зарур техника ва ускуналар сотиб олиш.***	рўйхат**	1	2022 йил май	Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси	15 000,0
47.	Маданий мерос объектларига шикаст етказилишининг олдини олиш ва хавфни олдиндан аниқлаш мақсадида кузатув камераси, маркер, датчик, ёритиш ва бошқаларни ўрнатиш.***	рўйхат**	1	2022 йил июнь	Маданий мерос агентлиги	10 000,0

Т/р	Объект номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Амалга ошириш муддати	Буюртмачи	Лимит (млн сўм)
III. Музейлар фаолиятини яхшилаш – 43 млрд сўм						
48.	Музей кўриқхоналари ва алохида кўчмас мулк маданий мерос объектларида ёнгин хавфсизлиги, видеокузатув мосламалари ва замонавий турникет ускуналари билан таъминлаш ва ўрнатиш.***	рўйхат**	1	2022 йил июль	Маданий мерос агентлиги	12 000,0
49.	Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Ўзбекистон замонавий санъат музейининг том қисмини ва иситиш-совутиш тизимини таъмирлаш ҳамда ёнгин хавфсизлиги ва видео кузатув мосламаларини ўрнатиш.	объект	1	2022 йил июль	Маданий мерос агентлиги	4 500,0
50.	“Санъатсевар миллат” умуммиллий лойиҳаси доирасида Бўстонлиқ тумани, Бухоро, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида лойиҳа ососида енгил конструкцияли галереяни қуриш ҳамда хизмат кўрсатиш учун автобус ва махсус юк машинаси сотиб олиш.	объект	4	2022 йил июнь	Маданий мерос агентлиги	16 000,0
51.	Музейлар фаолиятини жонлантириш дастури доирасида уларнинг реэспозициясини ташкил қилиш ва фонд сақлаш шароитларини яхшилаш, экспонатларни сақлаш учун муносиб шароитларни яратиш. Бунда, экспонатлар учун стеллаж ва витриналар билан жихозлаш, музлатгич хона–дизенфекция учун мўлжалланган махсус камера, музей экспонатлари учун махсус чанг ютгич, электрон ҳаво намлангич, гилам ва матолик экспонатларни сақлаш учун махсус жавонлар, заргарлик буюмларини сақлаш учун махсус сейф, ностандарт ҳажмдаги экспонатларни сақлаш учун стеллаж харид қилиш, кузатув камераларини ўрнатиш, замонавий турникетлар ўрнатиш. ***	рўйхат**	1	2022 йил сентябрь	Маданий мерос агентлиги	10 000,0

Т/р	Объект номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Амалга ошириш муддати	Буюртмачи	Лимит (млн сўм)
52.	Тошкент шаҳридаги “Муқимий” номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва таъмирлаш.	объект	1	2022 йил ноябрь	Маданий мерос агентлиги	1 800,0
53.	Самарқанд шаҳридаги Самарқанд археологик тадқиқотлар институти биносини ташқи фасад қисмини таъмирлаш ва теварак атрофини ободонлаштириш.	объект	1	2022 йил ноябрь	Маданий мерос агентлиги	1 500,0
IV. Туризм соҳасидаги таълим муассасаларини ривожлантириш – 73,1 млрд сўм						
54.	Мамлакатимизнинг Буюк Ипак йўли ва дунё цивилизациялари чорраҳасидаги аҳамиятини кўрсатиб берувчи Самарқанд шаҳридаги “ШҲТ туризм ва маданий мерос таълим боғи” ни барпо этиш.	объект	1	2022 йил июнь	“Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” ДУК	8 000,0
55.	Самарқанд шаҳар Беруний кўчаси 1-уйда жойлашган маданий мерос объектини қайта тамирлаб унинг негизида “Ипак йўли” санъат галереясини ташкиллаштириш.	объект	1	2022 йил декабрь	“Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” ДУК	6 500,0
56.	Самарқанд шаҳар Маҳмуд Қошғарий кўчаси 85А-уйда жойлашган маданий мерос объекти реконструкция қилиб, унинг негизида “Арт резиденция” ташкиллаштириш.	объект	1	2022 йил декабрь	“Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” ДУК	12 000,0
57.	2023 йилда Бутунжаҳон туризм ташкилотининг (UNWTO) Бош ассамблеяси 25-сессияси доирасида очилиши режалаштирилган Самарқанд шаҳри Бобурмиро кўчаси 3-уйда жойлашган маданий мерос объекти реконструкция қилиб, унинг негизида “Ипак йўли институти” ни ташкиллаштириш.	объект	1	2022 йил декабрь	“Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” ДУК	3 000,0
58.	Бухоро туризм ва маданий мерос техникумини замон талабида барча шароитлар яратиб реконструкция қилиш.***	объект	1	2022 йил декабрь	“Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш	11 500,0

Т/р	Объект номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Амалга ошириш муддати	Буюртмачи	Лимит (млн сўм)
					таъмирлаш ишлари дирекцияси” ДУК	
59.	Зомин туман туризм ва сервис коллежини реконструкция қилиш.***	объект	1	2022 йил декабрь	“Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” ДУК	12 000,0
60.	Самарқанд туризм ва маданий мерос техникумини капитал таъмирлаш.***	объект	1	2022 йил декабрь	“Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” ДУК	8 600,0
61.	Хива туризм ва маданий мерос техникумини реконструкция қилиш.***	объект	1	2022 йил декабрь	“Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” ДУК	11 500,0
жами						300 000,0*

Изоҳ:* Шундан лойиҳа-смета ҳужжатларнинг ишлаб чиқиши учун **21,8** млрд сўм ҳамда кредитор қарздорлик **12,2** млрд сўм.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари - туризм ва маданий мерос вазири А.А. Абдуҳакимов мазкур лойиҳалар рўйхатига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, иқтисод қилинган капитал қўйилмалар лимитларини лойиҳалар ўртасида қайта тақсимлаш, ўзгартириш ҳуқуқига эга.

***) Бош вазир ўринбосари - туризм ва маданий мерос вазири томонидан тасдиқланган рўйхат асосида;

****) Йилдан йилга ўтувчи объектлар ва лойиҳалар. “Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК томонидан лойиҳа-қидирув, қурилиш-монтаж, реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилаётган объектлар ва лойиҳаларни **бир ҳафта** муддат ичида “Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” ДУК **буюртмачилигига ўтказилади**. “Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК **2022 йил 15 мартга қадар** ушбу йилдан-йилга ўтувчи объектлар ва лойиҳалар бўйича ўзига эълан қилинган мажбуриятларни, жумладан, лойиҳа-қидирув, қурилиш-монтаж, реконструкция ва таъмирлаш ишлари, шунингдек, объектлар ва лойиҳаларни топширилишини, “Бинолардан фойдаланиш ва қурилиш таъмирлаш ишлари дирекцияси” ДУК эса белгиланган тартибда қабул қилиб олинишини таъминлайди.

